| | |
|---|---|
| **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** | **ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ** |
| **ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ** | **МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ** |
| **ҚАРОРИ** | **ҚАРАРЫ** |
| Нукус шаҳри | Нөкис қаласы |

№ 294 «30» апрель 2018 й.ж

**Қорақалпоғистон Республикасида 2018-2019 йиллар даврида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, уларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари бўйича лойиҳачи ҳамда пудратчи корхоналарини аниқловчи танлов (тендер) комиссиясини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-472-сонли Қонуни (8-боб), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3237-сонли, 2017 йил 27 ноябрдаги «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-3405-сонли, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 302-сонли қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикасида 2018-2019 йиллар даврида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, уларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари бўйича лойиҳачи ҳамда пудратчи корхоналарини аниқловчи танлов (тендер) комиссияси (кейинги ўринларда матнда комиссия деб юритилади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида»ги ПК-3405-сонли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича тасдиқланган прогноз параметрларига мувофиқ лойиҳачи ҳамда пудратчи корхоналарини белгиланган тартибда ҳалол, холисона ва адолатли турда аниқлаш;

лойиҳачи ҳамда пудратчи корхоналарини аниқлаш даврида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни талабларига, шунингдек, лойиҳачи хамда пудратчи корхоналарини аниқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий амал қилиш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Ж.Хожаметов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

UMUMIY BO'LIM ULIWMA BO'LIM

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2018 йил « 30 » апрелдаги
294 -сонли қарорига илова

**Қорақалпоғистон Республикасида 2018-2019 йиллар даврида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, уларни таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари бўйича лойиҳачи ҳамда пудратчи корхоналарини аниқловчи танлов (тендер) комиссияси**

**Т А Р К И Б И**

| | | |
|---|---|---|
| Лавозими бўйича | - | Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири, **комиссия раиси** |
| Лавозими бўйича | - | Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, **комиссия раисининг ўринбосари** |
| | | **Комиссия аъзолари** |
| Лавозими бўйича | - | Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тармоқ илмий-техник кенгашлари вакили (келишими билан) |
| Лавозими бўйича | - | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институтининг вакили (келишими билан) |
| Лавозими бўйича | - | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг вакили (келишими билан) |
| А.Аминов | - | Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси етакчи мутахассиси |
| Б.Алланиязов | - | Молия вазирлиги бош мутахассиси |
| С.Сапаров | - | Иқтисодиёт вазирлигининг бўлим бошлиғи |
| Д.Сапаров | - | Солиқ бошқармаси сектор бошлиғи |
| К.Аширбеков | - | Давлат экспертизаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг бош мутахассиси |
| А.Ажимуратов | - | Давлат архитектура-қурилиш назорати Қорақалпоғистон Республикаси инспекцияси етакчи мутахассиси |
| Б.Жаузабаев | - | Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг директори в.в.б. |
| Е.Кошеков | - | «Қорақалпоғистон сув қурилиш инвест» ДУК директори в.в.б. |
| К.Оразымбетов | - | АТБ «Турон банк» филиалининг бўлим бошлиғи |
| Лавозими бўйича | - | Тегишли туман ҳокимининг ўринбосари |
| Лавозими бўйича | - | Тегишли туман ирригация бўлими вакили |
| Лавозими бўйича | - | Тегишли туман мелиорация бўлими вакили |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM